• *Амал қилсангиз, ютқазмайсиз!*

# АЛМАШЛАБ ЭКИШДА АДАШМАНГ!

ДЕҲҚОНЧИЛИК маданияти ҳақида сўз кетганда агротехника талабларига тўлиқ риоя қилиш зарурлиги табиий ҳолдир. Бу ҳақда гапирмаса ҳам бўлаверади, чунки деҳқоннинг ҳар йили бажарадиган иши унинг бутун вужудига, фикри-зикрига сингиб кетган, ҳадеб гапиришлик ноўриндек туюлади.

Аслида-чи, аслида ундай эмас. Деҳқоннинг кўнглида, дилида бўлгани билан айрим сабабларга кўра белгиланган ишларини ҳамма вақт ҳам вақтида амалга оширолмайди, ёки имконияти бўлмайди. Баъзи ҳолларда бепарволикка берилиб, қилиниши зарур бўлган ишлар қилинмасдан ўтказиб юборилади. Деҳқончилик — йўл қўйилган хатони ҳеч қачон кечирган эмас ва кечирмайди ҳам. Шунинг учун агротехника талабларининг айрим, кўз илғамас, деҳқон ҳаёлига ҳам келмайдиган баъзи бир иш жараёнлари ҳақида фикр юритмоқликка жазм этдик.

Ҳар қандай экиндан юқори ҳосил олиш учун бир неча омилларга риоя этиш қонуний зарурятдир. Булар — сара уруғлик, тупроқ унумдорлигини ошира бориш, ерни сифатли ҳайдаб, сув равон оқадиган қилиб нишабини олиб текислаш, аниқ миқдорда ноҳиялаштирилган нав ва дурагайлар уруғини сарфлаш, қаторлар орасига ишлов бериш, озиқлантириш, сувга бўлган эҳтиёжини қондириш ва бошқалардир.

Агротехника талаблари ичида — алмашлаб экиш муҳим тадбир ҳисобланади. Алмашлаб экиладиган далаларда — беда салмоқли ўрин эгаллайди. Бедадан кейин экиладиган ўсимликлар хилма-хил ва чексиздир. Лекин бедадан кейин экилганда юқори ҳосил берадиган экинларни билиб, танлаб экиш ҳам деҳқончилик маданиятига киради.

Чорва озуқаси сифатида бедага тенг келадиган экин йўқ. Лекин беданинг озуқа сифатидаги моҳиятини янада мустаҳкамлашда унинг ёнига, таркибида қанд моддасига бой бўлган ўсимликни қўшиб чорва моллари озиқлантирилса, рационнинг хилма-хиллиги ҳамда тўйимлилиги анча ортади. Озуқа хушхўр бўлиб, тўлиқ истеъмол қилинади. Ана шундай озуқалардан бири лавлаги илдизмевасидир.

Жумҳуриятимиз хўжаликларида озуқабоп лавлагининг «Ўзбекистон ним қанди», «Эккендорф сарғиши» каби навлар экилади. Алмашлаб экиш далаларида лавлагини қатор ораларига ишлов бериб келинган экинлардан кейин экилса яхши самара беради. Масалан, пахта, маккажўхори, оқжўхори каби экинлардан кейин экилса, лавлаги илдизмевасидан юқори ҳосил олиш имконияти яратилади. Албатта, беда бундан истисно эмас. Лекин бедапоя ҳайдалганда унинг илдизтомирларини бирйўла майдалаб кетадиган мослама бўлсагина ундай майдонларга лавлагини бемалол экиш мумкин. Агар томирларни, илдизларни майдалаб кетадиган мослама бўлмаса яхшиси ўша йили шу майдонга лавлагининг экилмагани маъқул.

Маълумки, беданинг ўқ илдизи ўсув даврининг биринчи йилида 2—3 метр чуқурликка кетади. Ёнбошидан кучли шоҳланган томирлари ўсади. Кейинги йилларда эса ўқ илдизининг узунлиги 10 метргача етиб боради. Илдизнинг юқори қисмида илдиз бўғини (коронка) жойлашган бўлиб, илдиз ўса борган сари у ҳам тупроқ ичига сингиб боради. Бақувват ўсган илдиз бўғинида куртаклари жойлашади. Улардан янги новдалар ҳосил бўлади. Беданинг ёши улғайиши билан илдиз бўғини илдизга қўшилиб тупроқ ичига қараб кириб боради, натижада учинчи йилга келиб 7—10 сантиметр чуқурликда жойлашади ва беда неча йил турса у ҳам шунча вақт ўсиб улғайиб, ўсимлик ўсув даврининг охиригача сақланиб боради. Бедазорнинг алмашлаб экиш муддати тугагач, охирги йили кузда бузилади.

Алмашлаб экишда беда, пахта, маккажўхори, оқжўхори, сабзавот ва полиз экинлари учун тупроқ унумдорлигини ошириб берадиган экин ҳисобланади. 2—3 йил ичида беда чуқурлиги 45—55 сантиметр бўлган қатламда, гектарига 10—12 тоннагача қуруқ илдиз пояларини қолдиради ва тупроқда гектарига 350—500 килограммгача биологик соф азот тўплайди. Бундай миқдордаги азот бир ярим тонна аммиак селитрасига тенг келади. Ундан ташқари беда ҳайдалгандан кейин тупроқнинг ғоваклиги ортади, сиғим массаси камаяди, иссиқлик ўтказувчанлик қобилияти ортади, намлиги кўпаяди, яъни тупроқнинг сувли физик ҳолати яхшиланиб, ўсимликнинг яхши ривожланиши учун шароит яратилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, уч йил давомида беда экилган ер фосфор ва калий элементига камбағаллашган бўлади. Шунинг учун бу борада тажрибалар олиб борган олимлар тавсиясига биноан бедани шудгорлашдан олдин гектар ҳисобига 120—150 килограмм фосфор ва 100 килограммдан калий ўғитларини солиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайдалган ернинг ичида беданинг ўқ илдизлари бутунлигича сақланиб қолади. Натижада кейинги экиладиган ўсимликларни культивация қилиш даврида ҳалақит беради. Масалан, бедадан кейин озуқабоп лавлаги уруғи қадаладиган бўлса, уруғ униб чиқиб, ўсимликлар ер бетини эгаллаганидан кейин биринчи культивация ўтказиш вақтида майса-ниҳолларнинг кўплаб нобуд бўлишини кузатиш мумкин. Айниқса, культиваторнинг ишчи органларига илиниб чиққан, кўмилиб кетган беда илдизларининг пояси кўплаб кўчатларни синдириб, ҳар бир гектар майдондаги кўчатлар сонини ўта сийраклаштириб юбориши икки йил давомида олиб борилган кузатувларда ўз исботини топди.

Тажрибалар Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳининг «Қизил шалола» тажриба хўжалигининг Эргаш Рустамов бошлиқ бригадаси ерларида 1989—1990 йиллар давомида олиб борилди.

1988 йилнинг кеч кузида, алмашлаб экиш тартибига кўра бир майдонда уч йил давомида ҳосили олинган бедазор бузилиб шудгор қилинди. 1989 йилнинг эрта баҳорида ўрнига озуқабоп лавлагининг «Ўзбекистон ним қанди» нави уруғидан сифатли тайёрланган уч гектарли ерга мартнинг биринчи ўн кунлигида қаторлар ораси 70 сантиметр кенгликда, гектар ҳисобига 6 килограммдан уруғ сарфланиб, румин сеялкасида экилди. Тупроқнинг табиий намлигига лавлаги уруғлари бир текис униб чиқди. Лавлаги 3—4 та чинбарг чиқарганда кўчатлар ораси 20 сантиметр оралиқда ягана қилинди, гектар ҳисобига 70 минг туп кўчат қолдирилди. Вегетация-ўсув даврида икки марта культивация қилинди. Биринчи культивация билан гектарига 150 килограммдан аммиак селитраси берилди. Шундан кейин лавлаги кўчатлари сезиларли даражада сийраклашиб қолди.

Гектарига 42—44 минг туп кўчат қолди. Иккинчи культивация билан гектарига яна 200 килограммдан аммиак селитраси берилиб, кетма-кет суғорилди. Жами тўрт марта лавлаги қаторлари орасига ишлов берилди, беш марта суғорилди.

Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида лавлаги йиғиштириб олинди. Тарозидан ўтказилган лавлаги илдизмевасининг ялпи ҳосили гектаридан 400 центнерни ташкил этди.

Ўтмишдоши маккажўхори, оқжўхори бўлган, ўсув даврида ўтказилган агротехника ишлари ҳам бир хил бўлган ва бир вақтда ўтказилган бошқа карталардаги лавлагизорларнинг ҳар гектаридан эса 750—1200 центнердан илдизмева ҳосили олинди.

1990 йилнинг эрта баҳорида «Қизил шалола» тажриба базасининг Шавкат Ғулматов бошлиқ бригадаси ерларидаги кузда бузилиб шудгор қилинган эски бедазорларига ҳам режалаштирилган 5 гектар майдонга озуқабоп лавлаги экилди. Экилган лавлаги майдонларининг ҳаммаси пудратчиларга берилди. Агротехника ишлари ниҳоят даражада сифатли бажарилди. Лекин кузда лавлаги илдизмеваси йиғиштириб олинганда, ҳар гектар ердан 400 центнердан ҳосил тўпланганлиги маълум бўлди. Бедапоя ҳайдалганидан кейин орадан бир-икки йил ўтгач экилган ёки ўтмишдоши маккажўхори, оқжўхори бўлган майдонларда етиштирилган лавлагининг илдизмева ҳосили бир хил уруғлик, бир хил агротехника қўлланилган шароитда айрим оилавий пудратчилар етиштирган майдонларнинг ҳар гектаридан 1200—1500 центнердан ҳосил олинди.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, бедадан кейинги биринчи йили экилган лавлагига ҳар қанча ишлов, ўғит берилса ҳам гектаридан олинадиган ҳосилдорлик 400 центнердан ошмас экан.

Демак, олинган далиллардан кўриниб турибдики, алмашлаб экиш далаларидаги эски бедазорлар бузилганидан кейин ўрнига озуқабоп лавлагини экиш яхши самара бермаслиги аниқланди.

Кўрсатилган мисоллардан хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, озуқабоп лавлагини янги бузилган эски бедазорларга биринчи йили эмас, аксинча иккинчи ва ундан кейинги йиллардан бошлаб экиш ёки қаторлари орасига ишлов берилган ўтмишдош экинлардан кейин экилса яхши самара бериши олиб борилган тажрибаларда ўз исботини топди.

**Ҳ. ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, сектор мудири.**

# ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ МАВСУМИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

**Пилла тайёрлаш мавсумида пиллачилик ширкатларида ёнғин чиқишининг олдини олиш учун Тошкент вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими ва Тошкент вилоят кўнгиллилар ўт ўчириш жамияти**

**ШУНИ ЭСЛАТИБ ЎТАДИ:**

**ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ширкат раҳбарлари жавобгардирлар.**

Ҳамма хизмат кўрсатувчи ходимлар билан рўйхат бўйича ширкат ҳудудида ва биноларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ва ёнғинга қарши ҳолатга амал қилиш, ёнғин чиққан вақтдаги ҳатти-ҳаракатлар, уни ўчириш чоралари тўғрисида суҳбатлар ва машғулотлар ўтказиш керак.

**Электр ускуналари, ишлаб чиқариш цехлар ва омборларидаги ёритиш манбалари амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ ёпиқ ҳолда бажарилиши зарур. ЁНИШ ХАВФИ БЎЛГАН БИНО ВА ИМОРАТЛАР УСТИДАН ЭЛЕКТР УЗАТУВЧИ СИМЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Кўтариб турувчи ва ажратиб турувчи ёғочдан қилинган пилла қуритиш мосламаларини қайтадан ёнғиндан ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш керак.

**Ўтхона бўлимининг иссиқлик тарқатувчи баклари маҳкам ёпилган ҳолда ҳаво кириб турувчи арматура ва дудбўронлари бўлиши зарур.**

Иссиқлик ўтказгичлар иссиқлик манбасидан то унинг насосигача металл қувурлардан қия ҳолатда иссиқлик манбаси томон ётқизилиши лозим. Иссиқ сувли қувурларда авария рўй берганда дарҳол беркитиш учун камида 2 та тамба беркитгичларини ўрнатиш зарур: биринчиси форсунка яқинида, иккинчиси ўтхона ёки иссиқлик тарқатувчи бакдан 10 метр нарироқда ўрнатилади. Шунингдек иссиқ сув оқиб туришига йўл қўйилмасин.

Пилла қуритиш ширкати ҳудудида сув ҳавзалари ва уларда камида 100 литр ёнилғиси бўлган мотопомпалар ёки электр ёнғин насослари ўрнатилиб, уларни етарли миқдордаги махсус қўлқоплар билан таъминлаш шарт.

Ёнғинга қарши асбоблар ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари доимо шай ва тайёр ҳолатларда туриши керак. Ёнғинга қарши асбоблар кўринувчи ва кўзга ташланувчи жойларга ўрнатилади.

**ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ҚИЛИНАДИ:**

**— ширкат ҳудудида гулханлар ёқиш, қуриган ўт-ўланларни ёндириш, таом тайёрлаш учун ўчоқлар қуриш;**
**— пилла қуритиш цехи худудига учқун ўчиргичлар билан мосланмаган автотранспортларда кириш;**
**— ширкат худудида трактор ва автотехника воситаларини созлаш;**
**— иссиқлик тарқатгичларнинг ҳароратини нормадан юқорига кўтариш;**
**— электр ва газ пайванд ишларини пилла қабул қилиш пайтида бажариш;**
**— пилла қуритиш цехини назоратсиз қолдириш.**

Ёнғин чиққан ҳолларда бу ҳақда дарҳол ёнғиндан сақлаш бўлимига телефон орқали хабар қилиш ёки мавжуд воситалар ёрдамида ўт ўчиришга киришиш керак.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича муфассал маълумот олиш учун давлат ёнғин назоратининг яқин атрофдаги район бўлимларига ёки кўнгилли ўт ўчириш жамиятига мурожаат қилиш мумкин.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БЎЛИМИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎНГИЛЛИЛАР ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.**




# «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» САҲНАДА

АЛИШЕР Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони саҳнада ўзининг иккинчи беҳад ҳаётини бошлаб юборганига ҳам мана етмиш йилча бўлиб қолибди. Бу йилларда у бир неча босқичларни босиб ўтиб, бир томондан неча авлод томошабинларнинг маънавий такомилига, иккинчидан, миллий саҳна санъатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Шоир ва драматург Хуршид дастлаб 1922 йили озарбайжон санъаткори У. Ҳожибековнинг Фузулий достони бўйича ёзган «Лайли ва Мажнун» миллий операсини ўзбек тилига ағдарган. Ўша йили Фарғонада кўрсатилган. Айнан шу нусха 1924 йили Тошкентдаги Л. Свердлов номидаги театр биносида ҳам саҳналаштирилган. «Туркистон» рўзномаси 1924 йил 13 май сонида ёзган эди: «Озарбайжон туркиси билан Узейирбек тасниф қилғон «Лайли ва Мажнун» операси Хуршид қалами билан ўзбекчага (ёлғиз шевасигина, куйлари ўзича) тадбил этилиб, Давлат ўзбек труппаси томонидан ҳайитнинг иккинчи куни Свердлов театрида томошага қўйилди». Аммо муаллиф таржима жараёнида Навоий достонини ҳам назарда тутган, мунаққид Турғунбойнинг «тадбил» деган ибораси шунга ишора. 1925 йилда пьеса алоҳида чоп этилар экан, Хуршид унда Навоийга янада яқинлашув чорасини кўрган. Пьесани режиссёр Маннон Уйғун саҳналаштирар экан, уни севги фожиаси сифатида талқин қилади. Дастлаб мусиқа озарбайжон чолғучилари, сўнг ўзбек чолғу дастаси томонидан ижро этилган. Лайли ва Мажнун ролларида Маъсума Қориева билан Аброр Ҳидоятовлар ўйнаганлар. 1932 йили Хуршид пьесани қайта ишлар экан, Навоий достонига янада қаттиқроқ таянади. Ижтимоий жиҳатлар (жумладан, Омир билан Маҳди образлари) кучайтирилади, тоғу даштда кечадиган тўрт саҳнадан иккитаси, Маккага ҳаж қилиш кўриниши олиб ташланади. Муҳаббат мавзусига урғу берилади, муҳаббат илоҳий бир туйғу сифатида талқин этилади. Шунингдек, Лайли билан Қайснинг фожиаси илк феодализм давридаги синфий тенгсизликнинг машъум натижаси сифатида қаралади. Қуйироқ қабила вакили бўлмиш Қайс улуғ ва бадавлат қабила бошлиғининг қизига кўнгил қўйгани, ўз муҳаббати учун жон-жаҳди билан курашгани сабабли телба-мажнун деган ном олди. Аммо пьесада Мажнун образи Навоий достонидагидай шоир ва ўзига хос файласуф, катта ақл эгаси бўлиб чиқмаган.

Асар 1933 йилда ўзбек давлат мусиқа театрида режиссёр М. Муҳамедов томонидан саҳналаштирилди, спектаклни рассом Ш. Шораҳимов безади. Композитор Т. Содиқов Хуршид ёрдамида классик мақом ва халқ куйларига таянган ҳолда ария, дуэт, хор, рақс, речитативлар ҳосил қилди. Лайлининг ўлими олдидаги арияси, хотимада ижро этиладиган марсия, хор каби янги куйлар яратди, хорни икки овозда айтишни жорий қилди. Мажнун ролида Карим Зокиров, Лайли ролида Ҳалима Носирова намоён бўлдилар. Қайснинг телбалиги ва тушкун руҳиятига ҳаддан зиёд нисбат берилди, Лайли эса маънавий комила қиз сифатида умумлаштирилди. Шу йўсинда опера жанри томон дадил қадам ташланди. Мустақил опера ва балет театри ташкил этилгач (1939), «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасини том маънодаги операга айлантириш бўйича бошланган ишни шу билан изоҳлаш мумкин. Хуршид пьесани ихчамлаштиришга ҳаракат қилади. Композитор Т. Содиқовнинг ёнига Р. М. Глиэр қўшилиб, мусиқа мукаммаллаштирилади, яъни опера техникаси асосида мавжуд мусиқа қайта ишланиб, гармонизация қилинади. Бу гал ҳам М. Муҳамедов саҳналаштиради (1940, 17 июль). Лайли ролида Ҳ. Носирова билан С. Самандарова, Мажнун ролида Қобилқори Сиддиқов чиқадилар. Аммо кўринишларнинг беҳад кўплиги, ов ва жанг саҳналарининг батафсил кўрсатилиши, бу ҳам етмагандай, ҳайвонлар тимсолларининг олиб кирилиши, 30 та ария — ҳаммаси спектаклни чўзиб, оғирлаштириб юборган. Авалгидай Қайснинг телбалиги бўрттирилган — мактаб саҳнасидаёқ ўз кўриниши ва авзойи билан, телба бўлмаса-да, ҳарқалай дарвешни эслатарди. Шу боис спектакль устидаги иш давом эттирилган. 1941, 1948 йилларда қайта саҳналаштирилган нусхаларда режиссёр Э. И. Юнгвальд-Хилькевич воқеаларни ихчамлаштириш, баъзи куйлардан воз кечиш, конфликтни кучайтириш йўлидан борган; Қайснинг Навфал қизи Жамилага уйланиши кўриниши олиб ташланган. Мажнун ролида навбати билан Ғ. Абдураҳмонов, С. Ярашев, М. Давидов, Лайли ролида эса Ҳ. Носирова, Н. Аҳмедова, С. Самандарова, А. Саидхўжаева ўйнаганлар. Мажнун образи талқинида эскича ёндашувдан батамом халос бўла олмаганлар. Натижада Мажнун — бўш, Лайли кучли чиқиб қолган.

1954 йили «Лайли ва Мажнун» операси яна қайта саҳналаштирилади ва маълум даражада бу соҳадаги саҳнавий изланишларга якун ясалади. Режиссёр М. Муҳамедов ҳаракат суръатини ошириш мақсадида баъзи арияларни олиб ташлайди, дастлабки мактаб саҳнасини эса янгича ишлайди. Унда бир томондан Қайснинг муҳаббати, иккинчи томондан бу ерга келиб қолган бой савдогар Ибн Саломнинг Лайлини севиб қолиши мантиқли кўрсатилади. Қайснинг шоирлигига урғу берилади, Омир билан Қайс аёлнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида баҳслашадилар. Спектаклда хорни муайян ижтимоий қиёфаларга эга қилиб кўрсатиш бобида ҳам иш олиб борилган. Ҳ. Носирова Лайли образини ҳам саҳнавий, ҳам мусиқий жиҳатдан мукаммаллаштириб борган. Унинг Лайлиси биллурдек тоза ва нафис, шу билан бирга эҳтиросли, исёнкор, иккинчи ижрочи Н. Аҳмедова Лайлини назокатли ва маъюс қилиб гавдалантирган. Шу билан бирга Қайснинг Навфал қизи Жамила ва унинг севгилиси Қосим билан муносабатлари батафсил акс эттирилади. Ибн Салом Навфал сингари олижаноб сиймо сифатида гавдалантириладики, бу Навоий достонидан чекиниш эди. Аммо хотима мантиқли ишланган: илгари Омир қизи Лайли мурдасини кўтариб Қайснинг ёнига қўярди, энди Қайс Лайлининг ёнида жон беради, одамлар қабристонда пайдо бўлган Омирни ҳайдаб соладилар, кўп овозли хор янграйди.

«Лайли ва Мажнун» операси Навоий номидаги опера ва балет театрида 1967 йили қайта тикланади, 1980 йил 30 декабрда эса режиссёр О. Узоқов томонидан янгидан саҳналаштирилади. Аёл билан эркакнинг тенглигига урғу берилади, Қайс (Х. Тоиров, Б. Мустафоев) билан Лайли (Р. Ҳидоятова, Ш. Тўхтабоева) эркин фикрли, исёнкор руҳли шахслар сифатида гавдалантирилади, оммавий саҳналарнинг ишонарли бўлиши, рақсларнинг чиройли чиқишига ҳаракат қилинади.

Шундай қилиб, Хуршид театрлар билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасини 8 маротаба қайта ишлаган. Ўзбекистонда бу асарга мурожаат қилмаган театр кам учрайди. Барча вилоят театрларида «Лайли ва Мажнун» бир неча маротабадан саҳналаштирилган. Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида, масалан, 1936, 1952, 1964, 1981, 1991 йилларда режиссёрлар З. Қобулов, В. Фаёзов, Ҳ. Исломов, С. Девонов, И. Ниёзматов томонидан саҳнага қўйилган экан. Истеъдодли, яхши овозли артистларнинг барча бўғинлари ўзларини бу асарда синаб кўрганлар. Мажнун ва Лайли ролларида шуҳрат қозонганларнинг ўзи бир талай: Андижонда Ойсар Иброҳимов ва Қамара Бурнашева, Самарқандда Ш. Бобохонов ва Ойша Мавлонова, Наманганда Муҳриддин Мансуров ва Мукаррама Азизова, Урганчда Ваҳобжон Фаёзов ва Султонпошша Раҳимова, Қаршида Мажит Маматов ва Муҳтарам Носирова, Бухорода Бақо Бафоев ва Назокат Неъматова каби ўнлаб ижрочиларни кўрсатиш мумкин. О. Иброҳимов билан Қ. Бурнашева бош ролларда минг маротаба чиқиб, сўнг шогирдлари Ўринбой Нуралиев ва Маърифат Убайдуллаевага топширишган. Яна Муҳиддин Қори Ёқубов, Лутфихон Саримсоқова, Муроджон Аҳмедов, Машраб Юнусов, Ҳафиза Иброҳимова, Тожихон Ҳасанова каби юзлаб артистлар, режиссёрлардан Етим Бобожонов, Раззоқ Ҳамроев, Аббос Бакиров, Асрор Жўраев, Абдурайим Раҳмонов, Баҳром Камолов кабилар, не-не бастакорлар, дирижёрлар, балетмейстерлар, созандалар «Лайли ва Мажнун» саҳнавий талқинларига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Театрлар «Лайли ва Мажнун»нинг турли саҳнавий нусҳаларига мурожаат қилишган, гоҳ мақом куйлари, гоҳ Т. Содиқов ва Р. Глиэр мусиқаси олиниб, асосан миллий чолғулар дастаси ва баъзан аралаш оркестр томонидан ижро этилган, хорлар, речитативлар сақланган, саҳналаштириш жараёнида воқеалар тарзига, образлар ечимига, боши ва охирига маълум янгиликлар киритилган, ўзгартиришлар қилинган. «Лайли ва Мажнун»ни қайта-қайта саҳналаштириш жараёнида жумҳурият театрида муайян тажриба орттирилган ва ўзига хос саҳнавий анъаналар ҳосил бўлган. Тажриба ёш режиссёр ва актёрлар учун фойдали, бироқ баъзи анъаналар борки, уларни бузмасдан туриб бу соҳада жиддий ўзгариш ясаб бўлмайди. Қайсни чинданам телба, муте қиёфасида кўрсатиш, Лайлини чиройли маъшуқа тарзидагина гавдалантириш, синфийлик нуқтаи назаридан ёндошиб, Омир билан Маҳдини, Ибн Салом билан Қайсни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, арияларни ҳаддан ташқари кўп ишлатиш одат тусига кириб қолган. Алишер Навоий ижодини билган, мантиқ асосида ижод қилувчи режиссёр ва актёрлар бундай одатларни бузишга (айниқса, Мажнун ва Лайли образлари талқинида) ҳаракат қилиб келишган.

Лекин том маънодаги янгича талқин 80-йилларда кўзга ташланди. Дастлаб бу иш Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида бошланди (1982). Саҳналаштирувчи Б. Ихтиёров драматург Ҳ. Ғулом кўмагида пьесани ихчамлаштирди. Декорация (рассомлар Э. Калантаров ва А. Жибоедов), кийим-кечаклар ҳам шартли қилиб ишланди. Саҳна икир-чикирлардан, ортиқча мулозиматлардан холи бўлди. Бутун диққат-эътибор қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини очиш, бир-бирига зид қарашлар ўртасидаги курашни ёритишга қаратилди. Оммавий саҳналар ҳам умумлашма тусда берилди. Қайс — М. Салимов телба эмас, балки ақли теран, нозик табъ, эътиқод йўлида фидойи йигит, Лайли — М. Ҳожиматова ҳам муте эмас, ўзига хос исёнкор қиз, вафодор маъшуқа тарзида гавдантирилди.

Шу давр ичида «Лайли ва Мажнун»нинг саҳнавий талқинида вилоят театрларида ҳам баъзи ўзгаришлар рўй берди. Шу жиҳатдан Огаҳий номидаги Хоразм мусиқали драма ва комедия театри саҳнасида яқинда намойиш қилинган «Лайли ва Мажнун» спектакли ибратлидир. Спектакль Алишер Навоийнинг ҳикояси билан бошланади ва якун топади. Аммо энг муҳим ютуқ шундаки, режиссёр И. Ниёзматов бошчилигидаги ижрочилар саҳнавий талқин ривожи йўлида тўсиқ бўлиб қолган одатларни бузиб, Лайли ва Мажнун фожиасининг ижтимоий-психологик илдизларини теран очишга интилганлар. Бош ролларда ўйнаган истеъдодли ёшлар — эру хотин Бахтиёр Омонбоев билан Муяссар Омонбоева муҳаббат туйғусини бутун жозибаси, нашъаси ва аламлари билан акс эттирибгина қолмай, ўз қаҳрамонларининг эътиқод кучини, қатъиятини, тафаккур эҳтиросини тасвирлаб, томошабинларни ларзага келтирадилар. Бунга улар ҳам сўзга, ҳам куйга бирдай масъулият билан таяниш, воқеалар, вазиятлар, ҳолатларга бутун вужуди билан сингиб кетиш орқали эришадилар.

Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаси Навоий достони асосида яратилган мустақил асардир. Саҳнада Навоийнинг ўз сўзини, маснавийларини ишга солиш, Навоийнинг Лайли ва Мажнун фожиаси орқали илгари сурган ғояларини тараннум этиш, борингки, фақат Навоийнинг ўзига таяниш, яъни достоннинг ўзини саҳна шаклига кўчириш — келгусининг иши. Зеро, «Лайли ва Мажнун» театр гуруҳлари учун илҳомбахш манба, ҳали очилмаган бадиият, ғоялар, маъниларга бой антиқа достондир.

**Муҳсин ҚОДИРОВ,**
**санъатшунослик доктори, профессор.**

# МЕЪМОРЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жумҳурият Меъморлар уюшмаси бошқарувининг бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон меъморларининг XIII съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бўлажак съездда «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» Қонунга мувофиқ уюшманинг ҳуқуқий мақоми белгилаб олиниши керак.

Пленум Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси Низомномасининг лойиҳасини кўриб чиқди ва уни муҳокама қилишни бошланғич ташкилотларга тавсия қилди. Ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган съездга сайланадиган депутатлар нормаси тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

### СССР ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

● МАЪЛУМКИ, яқин кунлар ичида Лондонда жаҳондаги еттита тараққий этган энг йирик саноат давлатлари раҳбарларининг учрашуви ўтказилади. Шу муносабат билан кейинги пайтларда бу анжуманга СССР Президенти М. С. Горбачевни ҳам таклиф этиш лозим, деган ғоя туғилган эди. Бу масалага турли давлатларнинг раҳбариятлари турлича назар билан ёндашдилар. Бироқ Япония бош вазири Т. Кайфу бу таклифга унчалик яхши муносабат билдирмади.

Куни кеча Лондондан келган хабар масаланинг бир қадар ижобий томонга ўзгараётганлигидан далолат берди, дейиш мумкин.

Япониянинг Киодо Цусин ахборот агентлиги Англия ҳукумат манбаларига таяниб, СССР Президенти М. С. Горбачев «еттилар» учрашувига таклиф қилинадиган бўлди, деган хабарни тарқатди. Бироқ, деб таъкидлайди ахборот агентлиги, бу ҳақдаги расмий қарор янаги ҳафтанинг бошларида қабул этилса керак. Совет раҳбарига, деб давом этади Киодо Цусин, кенгашда иштирок этиш пайтида кузатувчи мақоми берилади. У кун тартибидаги баъзи бир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиши мумкин.

### АЛБАНИЯДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

● АП ахборот агентлиги оппозицияда турган Албания демократик партияси раҳбарларидан бири Беришу гапларига таяниб, Тиранадан хабар берди: Албания сиёсий ва ижтимоий доираларида келажак ҳукумати тўғрисидаги масала қизғин муҳокама этилмоқда. Бўлажак ҳукумат турли сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг вакилларидан иборат бўлиши мумкин, деган тахминлар айтилмоқда. Албаниядаги ҳозирги мавжуд тузумга қарши оммавий чиқишлар бўлганидан сўнг таркибида Албания меҳнат партияси аъзолари кўп бўлган Албания парламенти ҳозирги ҳукуматни тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан ҳозирги бош вазир Ф. Нано ҳам истеъфога чиқиши мумкин. Янги ҳукумат тузилиши муносабати билан ўртага янги шартлар қўйилмоқда. Бўлажак ҳукумат аъзоси қандай партияга мансублигидан қатъий назар у ҳукуматга аъзо бўлган пайтда ўз партиясидан чиқиб туриши керак. Шунингдек, яқин вақт ичида парламентга сайловлар ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Бироқ сайлов муддати белгиланмади.

### ТАХМИНИЙ МУДДАТЛАР МАЪЛУМ

● СОВЕТ-АМЕРИКА раҳбарлари навбатдаги олий даражадаги учрашувининг аниқ вақти маълум бўлмаса ҳам, тахминий муддатлар тилга олинмоқда. Бундай учрашув июнь ойининг охирлари ёҳуд июль ойининг бошларида бўлиб ўтиши мумкин. Америка Президентининг матбуот котиби Марлин Фицуотер Оқ уйда журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, Америка Президенти СССР Президенти билан учрашиш иштиёқида турибди, деди. Шу муносабат билан Совет ҳамда Америка томонлари қурол-яроғлар устидан назорат қилиш муаммоларини синчковлик билан яна бир карра ўрганмоқдалар.

### ЭЛЧИЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

● ҚУВАЙТ ўзининг Иордания, Судан, Жазоир, Тунис, Яман ҳамда Мавританиядаги элчиларини чақириб олди. Ҳукумат доираларида таъкидланишича, гўё улар «маслаҳатлар учун» чақирилган эмишлар.

Валиаҳд, Қувайт Бош вазири шайх Саад ал-Абдулло ас-Сабохнинг улар билан кенгайтирилган кенгаш ўтказиши кутилмоқда. Шарҳчиларнинг айтишича, Қувайт томонининг бундай хатти-ҳаракатига Форс кўрфазида бўлиб ўтган воқеалар, мазкур мамлакатларнинг уруш пайтида Ироқ томонини олганликлари сабаб бўлди. Агар улар бетараф бўлиб турганларида мақбулроқ иш бўлар эди, деди Бош вазир Абдулло ас-Сабох.

